# IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада – 7 919,3 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 895,9 миллион АҚШ долларини) ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 195,2 фоизни ташкил қилди.

**Молиялаштириш манбалари ва мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**
*(2019 йил январь-декабрида)*

| | *Жами* | *шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича:* | |
|---|---|---|---|
| | | *давлат* | *нодавлат* |
| Жами инвестициялар, *млрд. сўм* | 7 919,3 | 1 662,6 | 6 256,7 |
| *шу жумладан: молиялаштириш манбалари бўйича:* | | | |
| давлат бюджети маблағлари | 871,7 | 862,3 | 9,4 |
| Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси | 118,9 | 117,5 | 1,4 |
| корхоналар ва аҳоли маблағлари | 1 948,4 | 312,1 | 1 636,3 |
| чет эл инвестициялари ва кредитлари | 3 716,4 | 356,7 | 3 359,7 |
| банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 1 200,3 | 14,0 | 1 186,3 |
| Тикланиш ва тараққиёт фонди | 63,6 | - | 63,6 |

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Жиззах вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

## 2019 йилнинг январь-декабрь ҳолатига алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби

*(фоизда)*




## Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар

*(млрд. сўм)*

| | *Январь-декабрь* | | | |
|---|---|---|---|---|
| | *2018 й.* | *Умумий ҳажмга нисбатан фоизда* | *2019 й.* | *Умумий ҳажмга нисбатан фоизда* |
| **Жами** | **3 606,3** | **100,0** | **7 919,3** | **100,0** |
| *шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 661,5 | 18,3 | 1 213,9 | 15,3 |
| тоғ–кон саноати | 16,2 | 0,4 | 20,9 | 0,3 |
| ишлаб чиқариш саноати | 739,7 | 20,5 | 3397,5 | 42,9 |
| электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 92,7 | 2,6 | 120,5 | 1,5 |

| | Январь-декабрь | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 2018 й. | Умумий ҳажмга нисбатан фоизда | 2019 й. | Умумий ҳажмга нисбатан фоизда |
| сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 219,7 | 6,1 | 520,5 | 6,6 |
| қурилиш | 88,4 | 2,5 | 146,6 | 1,8 |
| улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш | 96,7 | 2,7 | 323,5 | 4,1 |
| ташиш ва сақлаш | 20,6 | 0,6 | 281,2 | 3,6 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 115,0 | 3,2 | 27,5 | 0,3 |
| ахборот ва алоқа | 15,7 | 0,4 | 27,6 | 0,3 |
| молиявий ва суғурта фаолияти | 9,8 | 0,3 | 25,4 | 0,3 |
| профессионал, илмий ва техник фаолият | 33,3 | 0,9 | 67,4 | 0,9 |
| таълим | 140,8 | 3,9 | 303,8 | 3,8 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 177,9 | 4,9 | 126,3 | 1,6 |
| Бошқа иқтосодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар | 854,6 | 23,7 | 723,0 | 9,1 |
| санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 29,2 | 0,8 | 102,1 | 1,3 |
| бошқа фаолият турлари | 294,5 | 8,2 | 491,6 | 6,3 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ–кон саноатида – 20,9 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 0,3 фоиз), ишлаб чиқариш саноатида – 3 397,5 млрд. сўм, (42,9 фоиз) шундан озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари 393,6 млрд. сўм (5,7 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 696,4 млрд. сўм (10,0 фоиз), кимё маҳсулотлари – 121,5 млрд. сўм (1,7 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 1719,8 млрд. сўм (21,7 фоиз), металлургия – 11,5 млрд. сўм (0,1 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 120,5 млрд. сўм (1,5 фоиз), қурилиш – 142,6 млрд. сўм (1,8 фоиз), ташиш ва сақлаш – 281,2 млрд. сўм (3,6 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 323,5 млрд. сўм (4,1 фоиз), ахборот ва алоқа 27,6 млрд. сўм (0,3 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 67,4 млрд. сўм (0,9 фоиз), таълим – 303,8 млрд. сўм (3,8 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар жой бинолари қурилишига – 723,0 млрд. сўмлик (9,1 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

## Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 3 716,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 10,5 марта катта фоизни ташкил қилди.

### Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби

*(2019 йилнинг январь-декабрида)*

| | *Умумий хажми (млрд. сўм)* | *Шу жумладан:* | |
|---|---|---|---|
| | | *давлат кафолати остида* | *тўғридан-тўғри ва бошқалар* |
| Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар | **3 716,3** | **369,2** | **3 347,1** |
| шу жумладан: | | | |
| давлат | 356,7 | 356,7 | - |
| нодавлат | 3 359,6 | 12,5 | 3 347,1 |

Ҳисобот даврида Жиззах вилояти бўйича тўғридан – тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган улуши 100,0 фоизни ташкил қилди.

**Хорижий инвестиция ва кредитларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**




Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши ишлаб чиқариш саноатига тўғри келиб, жами хорижий инвестициялар ҳажмидан – 66,3 фоизни ташкил қилди ва 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 9,9 фоизга камайган, мос равишда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилиқ хўжалигида, – 18,1 фоизни ташкил қилди.

## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 723,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар хажмининг 9,1 фоизни ташкил қилди.

## 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар–жой ва ижтимоий соҳа объектлари

| | *Барча манбалар ҳисобидан* | | | |
|---|---|---|---|---|
| | *Фойдаланишга топширилди* | | *2018 йил январь-декабрига нисбатан фоизда* | |
| | *жами* | *шу жумладан: қишлоқ жойларда* | *жами* | *шу жумладан: қишлоқ жойларда* |
| Уй–жой, умумий майдони минг кв.м | 614,1 | 397,7 | 96,6 | 103,1 |
| *ундан:* якка тартибдаги уй–жойлар | 466,6 | 312,6 | 102,1 | 120,3 |
| якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда | 147,6 | 85,1 | 112,9 | 67,8 |
| Умумий таълим ва махсус мактаблар, *ўқувчилар сони* | 8738 | 6194 | 3,3 м. | 3,6 м. |
| Сув тармоқлари, *км* | 299,3 | 115,8 | 105,3 | 81,9 |
| Газ тармоқлари, *км* | 37,7 | 8,2 | 103,6 | 64,0 |

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий майдони 614,2 минг кв.м. бўлган 3,4 мингта уй ёки 3,4 мингта квартира (2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 96,6 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 397,7 минг кв.м. (103,1 фоиз) 2,3 мингта уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 299,3 км. сув тармоқлари (115,8 км. қишлоқ жойларда) ва 37,7 км. газ тармоқлари (8,2 км. қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, мос равишда 2018 йил январь-декабрига нисбатан 105,3 ва 103,6 фоизни, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич сув тармоқлари 81,9 фоизни, газ тармоқлари 64,0 фоизни ташкил қилди.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари янги қурилиш ва капитал реконструкция ҳисобига 138,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу соғлиқни сақлаш соҳасида ўзлаштирилган инвестицияларнинг 1,7 фоизини ташкил қилди.

Мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва капитал реконструкция ҳисобига 89,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ва бу таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 1,1 фоизини ташкил қилди.

Таълим жараёнини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора–тадбирлар доирасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва капитал реконструкция ҳисобига 214,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 2,8 фоизини ташкил қилди.

Сув тармоқлари қурилишига 136,8 млрд. сўм, шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 117,5 млрд. сўм (85,9 фоизи), Ислом тарраққиёт банки жамғармаси ҳисобидан 2,6 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг (1,9 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобидан 1,1 млрд. сўм (0,8 фоизи) ва бошқа маблағлари ҳисобидан 15,6 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг (11,4 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 0,4 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,4 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

## Қурилиш фаолияти

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 2 119,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 123,9 фоизни ташкил этди.

### Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби, млрд. сўмда

| | *январь-декабрь* | |
|---|---|---|
| | *2018 йил* | *2019 йил* |
| **Қурилиш ишлари ҳажми** | **1 564,3** | **2 119,6** |
| *шу жумладан:* | | |
| давлат | 75,6 | 92,7 |
| нодавлат | 1 488,7 | 2 026,9 |

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 2 026,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 95,6 фоизини ташкил қилди.

## Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти

*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*




## Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора–тадбирларни амалга оширилиши

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 76,5 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 14,3 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 9,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 78,5 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Ҳисобот даврида Жиззах вилояти бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 2 119,6 млрд. сўм нодавлат секторининг улуши 95,6 фоизни ташкил қилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 78,5 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантиришга 11,5 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.

## 2019 йил январь-декабрь ойларида фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўмда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми ишларининг қурилиш лойҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Уларнинг улуши жами қурилиш ишлари ҳажмида 76,5 % ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос давридаги кўрсатгичга нисбатан 2,0 % пунктга камайди.

Фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ҳажми жорий даврда 14,3 % ни ташқил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,9 % пунктга камайди.

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳиссасида эса 9,2 % тўғри келди ҳамда ўтган йилдаги кўрсатгичга нисбатан 2,9 % пунктга кўпайди.

**2019 йилниг январь-декабрь ойларида туманлар (шаҳар) кесимида қурилиш ишлари (жамига нисбатан фоизда)**




Йирик пудрат корхоналари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг улуши – 2,1 фоизни ташкил этди. Вилоятда асосан қурилиш ишларининг асосий қисми кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилиб, жами қурилиш ишларининг – 77,7 фоизини ташкил этди. Норасмий сектор томонидан эса – 20,2 фоизга қурилиш ишлари бажарилди.

Вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори улуши Жиззах шаҳрига тўғри келди – 88,4 фоизни. Мазкур ҳудудда норасмий секторнинг улуши – 8,0 фоизни ташкил этди.

## Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларидан марказлашган инвестициялар таркиби




## Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларидан марказлашмаган инвестициялар таркиби



## 2019 йил январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми шаҳар ва туманлар кесимида қуйидагича ифодаланган

| | *Инвестициялар ҳажми млрд.сўм* | *ўсиш суръати, фоизда* | *улуши фоизда* |
|---|---|---|---|
| **Жиззах вилояти** | **7 919,3** | **192,5** | **100,0** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 2 525,2 | 178,5 | 31,8 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 492,9 | 178,1 | 6,2 |
| Бахмал | 170,4 | 120,0 | 2,2 |
| Ғаллаорол | 424,7 | 215,4 | 5,4 |
| Шароф Рашидов | 460,6 | 125,8 | 5,8 |
| Дўстлик | 303,8 | 185,6 | 3,8 |
| Зомин | 719,7 | 146,1 | 9,1 |
| Зарбдор | 252,0 | 149,7 | 3,2 |
| Зафаробод | 1 026,2 | 421,4 | 13,0 |
| Мирзачўл | 350,6 | 183,3 | 4,4 |
| Пахтакор | 246,8 | 194,6 | 3,1 |
| Фориш | 797,5 | 499,5 | 10,1 |
| Янгиобод | 148,9 | 131,0 | 1,9 |